

Аёл кишининг овози аврат деган гапларни кўп эшитаман

20:20 / 27.04.2016 8002

САВОЛ: Ассалому алайкум Шайх Ҳазратлари! Мен одамлар орасида аёл кишининг овози аврат деган гапларни кўп эшитаман. Шу масалага далиллар билан ойдинлик киритсангиз. Аллох қилаётган амалларимизни ҳусни мақбул айласин.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Оддий ҳолатларда аёл кишининг овози аврат эмас. Бунга, саҳобаи киромлар Оиша онамиздан парда ортида туриб саволарига жавоб эштиганлари далилдир. Агар аёл кишининг овози аврат бўлса, Оиша онамиз номаҳрам эркакларга овозларини эшиттирмас эдилар. Аёл киши нозу карашма ила номаҳрамларга гапириши мумкин эмас. Валлоҳу аълам.